



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
QARORI

Termiz shahri, At-Termiziy ko‘chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil “26 ” mart

Қ-228 -son

Termiz sh.

**Шеробод туман “Таллашқон” массиви
худудидан “Шеробод Гранд томорқа хизмати”
МЧЖга интенсив “Анорзор” барпо этиш учун
ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари бошчилигидаги Сурхондарё вилоятидаги ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ривожлантириш чора-тадбирларини муҳокама қилиш юзасидан 2019 йил 16 июнь куни ўтказилган 7-сон йиғилиш баёнининг 33-бандига асосан вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 22 февралдаги 05-02/112-сон йиғилиш баёни, Шеробод тумани ҳокимининг 2021 йил 09 февралдаги 02-05/32-сон хатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Шеробод туман “Таллашқон” массиви худудидан “Шеробод Гранд томорқа хизмати” МЧЖга туман ҳокимлиги захирасидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 483, 491 ва 491а дала контурларидаги тупроқ унумдорлиги ўртача 49 балл бонитетли жами 35,4 гектар, шундан 34,9 суғориладиган (бўз) экин ер, 0,37 гектар ариқ ва зовурлар, 0,13 гектар йўллар ер майдони “Анорзор” барпо этиш учун (49 йил муддатга) ижара ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов)га ажратиб берилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

3. Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

4. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов